

Тошкентда ҳайит намози муносабати билан айрим кўчаларда ҳаракат чекланади



05:34 / 05.06.2025 998

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгашининг Қурбон ҳайити куни 6 июнга тўғри келиши ҳақидаги қарорини инобатга олиб, 2025 йилнинг 6 июн куни пойтахтдаги 122 та масжидда ҳайит намози ўқилиши кутилмоқда.

Ҳайит намозини юқори савияда ва тартибли ўтказиш, фуқароларга зарур шарт-шароит яратиш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 6 июн соат 00:00 дан 08.00 гача пойтахтнинг қатор кўчалари ва йўлларида автотранспорт воситаларининг ҳаракати вақтинча [чекланади](#).

Рўйхат:

■ Мирзо Улуғбек тумани

— «Тўра бува» масжиди олдидаги Буюк Ипак йўли кўчаси – Шўртепа кўчасидан, Буюк Ипак йўли – Султония кўчасигача.

■ Бектемир тумани

— «Хўтон» масжиди олдидаги Бектемир шоҳкўчаси – Ҳусайн Бойқаро кўчасидан, Бектемир йўли кўчасигача.

■ Олмазор тумани

- «Исломобод» масжиди олдидаги КҲАЙ кўчаси, КҲАЙ – Сағбон кўчалари чорраҳасидан, Нурафшон – Сағбон кўчалари чорраҳасигача.
- «Ҳазрати имом» масжиди олдидаги Қорасарой кўчаси, Қорасарой – Нурафшон кўчалари чорраҳасидан, Қорасарой – Абдулла Қодирий кўчалари чорраҳасигача.
- «Дўстжонбой» масжиди олдидаги Сағбон – Сағбон 12-тор кўчалари кесишмасидан, Келес йўли – Норазтепа кўчалари чорраҳасигача.

■ Шайхонтоҳур тумани

- «Шайх Зайниддин» масжиди олдидаги Кўкча Дарвоза – Нурафшон кўчалари чорраҳасидан, Кўкча Дарвоза – Бешқайрағоч кўчалари чорраҳасигача.
- «Хўжа Алламбардор» масжиди олдидаги Бунёдкор – Камолон кўчалари чорраҳасидан, Камолон – Устазода 2-тор кўчалари чорраҳасигача.
- «Кох ота» масжиди олдидаги Себзор кўчаси, Нурафшон – Себзор кўчалари чорраҳасидан, Нурафшон – Лабзак кўчалари чорраҳасигача.

■ Чилонзор тумани

- «Убай ибн Каъб» масжиди олдидаги Ал Хоразмий кўчаси, Ал Хоразмий – Хирмонтепа кўчалари чорраҳасидан, Ал Хоразмий – Катта қани чорраҳасигача.
- «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» масжиди олдидаги Сўгалли ота кўчаси, Ал Хоразмий – Сўгалли ота кўчалари кесишмасидан, Хонабод 2-берк кўчасидан – Сўгалли ота кўчасигача.
- «Новза» масжиди олдидаги Бунёдкор – Муқимий кўчалари кесишган кўприк остида, Олий Мажлис биноси қаршисигача

■ Учтепа тумани

- «Абдуллоҳ ибн Маъсуд» масжиди олдидаги Лутфий кўчаси, Лутфий – Хирмонтепа кўчалари чорраҳасидан, Лутфий – Катта қаъни кўчалари чорраҳасигача.
- «Ҳазрати Али» масжиди олдидаги Назарбек – Маҳорат кўчалари чорраҳасидан, Назарбек – Замахшарий 1-тор кўчалари чорраҳасигача.

■ Юнусобод тумани

- «Минор» масжиди олдидаги КҲАЙ кўчаси, КҲАЙ – Кўргазма кўчалари чорраҳасидан, КҲАЙ – Ш.Рашидов кўчалари чорраҳасигача.
- «Мирзо Юсуф» масжиди олдидаги Боғишамол кўчасидан, Шивли кўчасигача.

■ Яккасарой тумани

— «Усмон бин Маъзун» масжиди олдидаги КҲАЙ кўчаси, КҲАЙ – Қушбеги чорраҳасидан, КҲАЙ – Файзли Тошкент кўчалари чорраҳасигача.

■ Сергели тумани

— «Нурул Ислон» масжиди олдидаги ТҲАЙ – Файзли Тошкент кўчалари чорраҳасидан, ТҲАЙ – Қумарик кўчалари чорраҳасигача.

■ Яшнобод тумани

— «Ислон ота» масжиди олдидаги Фарғона йўли кўчаси, Фарғона йўли – Фитрат кўчалари чорраҳасидан, Фарғона йўли – Толитаржон кўчалари чорраҳасигача.

■ Миробод тумани

— «Қўйлик ота» масжиди олдидаги ТҲАЙ кўчаси – Қўйлик бозори кўприк остидан, ТҲАЙ – Мунис кўчалари чорраҳасигача чекланади.

Масжидлар жойлашган бошқа кўчаларда ҳам автотранспорт воситаларининг ҳаракати вақтинча чекланади.

Фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида 6 июн куни Тошкент шаҳридаги жамоат транспортлари яъни автобус йўналишлари ва метрополитен соат 03:00 дан ўз ҳаракатини бошлайди.